


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ЭРТАЛАБКИ ВА КЕЧКИ СОАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДИКАСИ**



**Фарғона -2012**

**Муаллиф:** З.Ботирова

**Тақризчи:** Пед. фан. ном., доцент Л.Расулова

**Тақризчи:** ВПҚТМОИ ўқитувчиси - Д.Сайдова

## **Сүз боши**

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни педагог-тарбиячи амалга оширади. У педагогик жараёнда марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун тарбиячи ўз соҳасини чукур билиши, хар ҳил методик воситаларни яхши эгаллаган, пухта педагогик психологик тайёргарликка эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда мутахассислик буйича фанларни жумладан «Таълим туғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини, мактабгача тарбия педагогикаси, «Учинчи минг йилликнинг боласи таянч дастури»ни Давлат таълим талабарини пухта эгаллаган бўлиши лозимдир. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан мактаб таълимига мактабгача таълим муассасаларида ва оиласда тайёрланади. Болаларни мактабга тайёрлашнинг максади болаларни бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етук мактабга, ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириб боришдан иборатдир.

Болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий вазифалари эса, болаларни жисмоний, аклий, маънавий жихатдан камол топтириш уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, болаларнинг ижодкорлик мустақиллик эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун, шарт-шароитлар яратиш вазифаларини қўяди. Ўйлаймизки ушбу методик қўлланма Педагогика коллежлари мактабгача таълим йўналиши талабари ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг мактабгача ёшдаги болалар кун тартибларини тўғри ташкил этишларида яқиндан ёрдам беради.

## **Мактабгча таълим муассасаларида эрталабки ва кечки соатларни ташкил этиш методикаси**

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури хисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Конун»и ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ташкил этилади ва бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган Давлат талабларига мувофик соғлом ва етук, мактабга ўқишига тайёрланган тарзда шакллантиришни назарди тутади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда уларни халқнинг бой миллий, маданий-тариҳий мероси ва маънавий аҳлоқий жихатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик хисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишига интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, узининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлашдан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни кун тартиби асосида амалга оширилади. Кун тартиби болани ҳар томонлама камол топиши учун муҳим шароит яратадики, ундаги ҳар бир дақиқа боланинг маълум бир кўнимга ва малакаларни эгаллашини таъминлайди.

Кун тартибida эрталабки ва кечки соатларни тўғри режалаштириш ва уни амалга ошириш бола ҳаётида катта аҳамиятга эга. Эрталабки ва кечки соатларда ота –оналар билан сұхбатлар (фарзандларининг кун тартиби давомида ўзини тутиши, саломатлиги, аҳлоқ-одоби, машғулотлардаги иштроки ҳақидаги ишларнинг аниқ мазмуни) режалатирилиши билан бирга, болаларда маланий-гигиеник малакалар ва

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш малакаларинин тарбиялаш, табиат бурчагига навбатчиликни тайинлаш ва уларга раҳбарлик ишлари, якка тартибдаги таълимий ишлар (ўйин-машғулотлар жараёнида ДТларини юқори даражада ўзлаштиришга эришаётган ва ўзлаштиришдан орқада қолаётган болалар) амалга оширилиши, ўйин мазмунини бойитиш ва болаларни ўзаро муносабатларни тарбиялаш мақсадиди ижодий ўйинларни ҳам режалаштириш, шунингдек табиатни кузатиш ишлари режалаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Куйида эрталабки соатларда амалга ошириладиган меҳнат, ўйин ва табиатни кузатиш ишларининг асосий мазмунларига тўхтalamиз.

### **Меҳнат.**

Ота-боболаримиз асрлар давомида меҳнатни улуғлаб келишган. Бунга аждодларимиздан меърос бўлиб қолган – илмий бадиий китоблар, меъморчилик обидалари, санъат асарларининг барчаси шу меҳнатнинг маҳсулидир.

Болаларни энг кичик ёшдан меҳнатга ўргатиш керак. Буюк ўзбек шоири, мутафаккир Алишер Навоий меҳнатсеварликни чинакам инсоннинг энг асосий хусусияти деб билган. Меҳнат кишини безашини, уни ҳар томонлама камол топтиришини юксак кўтаринки рух билан ифода этган. Ёш авлодни сидқи дилдан меҳнат қилишга, меҳнатни қадрлашга чақирган.

Шарқнинг буюк марифатпарварлари ёш авлодни меҳнат таълими ва тарбияси масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Улар ўз асарларида ёш авлодни қизиқувчанлик, тежамкорлик, дўстлик-одамийлик каби инсоний фазилатлар фақат меҳнат орқалигина вужудга келишини ғоятда таъсирчан ифода этганлар.

Меҳнат шахсини ҳар томонлама камол топтиришнинг асосий омилидир. Шунинг учун ҳар бир бола мактабгача таълим ёшидан бошлаб меҳнат жараёнида иштирок этиши керак. Мактабгача таълим

мкассасасида, оилада бажариладиган, мураккаб бўлмаган хар бир топшириқ боланинг кундалик вазифасига айланиши лозим.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни қуидаги меҳнат турларига жалб қилиб борилади:

Ў-ўзига хизмат қилиш, хўжалик-маиший меҳнат, табиат қучоғидаги меҳнат, қўл меҳнати.

Ўз-ўзига хизмат қилиш бу болалар меҳнатининг бир тури бўлиб, унда болалар илк ёшдан бошлаб, мустақил овқатланишга, ечиниб-кийинишига, ўйинчоқларини йиғиб қўйишга ўргатилади. Болалар меҳнатининг бу тури болаларни тартибли, интизомли, одобли бўлишга ундейди. Мустақиллик сифатлари ривожланади.

Табиатдаги меҳнат – боланинг хар томонлама ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатнинг бу тури орқали болалар тупроқни экин экишга тайёрлаш, кўчатни ўтказиш, ҳайвонларни парваришлиш каби малакаларни эгаллаб оладилар.

Қўл меҳнати - машғулот, ўйин, меҳнат фаолияти учун болаларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган буюмлари.

Қўл меҳнати орқали болаларда ижодкорлик, топоғонлик, билимдорлик хислатлари ўсади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг мустақил меҳнатини ташкил этишинг икки шаклидан: якка тартиbdаги меҳнат ва жамоа тартиbdаги меҳнатдан фойдаланилади. Тарбиячининг вазифаси – болаларни тарбиялаш мақсадида уларнинг имкониятларини энг кўп даражада рўёбга чиқаришdir.

Якка тартиbdаги меҳнат. – турли мақсадлар билан амалга оширилади. Кўп ҳолларда у тарбиячи томонидан болалардан кимдир таълим берувчи машғулотда қатнаша олмаган ёки ўз шахсий хусусиятлари туфайли бирор меҳнат жараёнини ўзлаштира олмаган такдирда ташкил этилади. Тарбиячининг вазифаси болага меҳнат жараёнини яхлит ёки

унинг энг оғир қисмини бажаришини ўргатишдан иборат. Якка тартибдаги меҳнат бола мазкур меҳнат жараёнига қизиқиши билдириб, уни хатосиз бажаришини ўрганишга интилганда унинг ташаббускори бўлиб, майдонга чиқганда юз беради. М: 5 ёшли қизалоқ тарбиячидан ўзини эртага навбатчи қилиб тайинлашини сўраб мурожат қилади: «Мен қошиқларни тахлашни ўрганиб оламан. Бугун янгишиб, уларни нотўғри тахладим. Эртага албатта уларни тўғри жойлаштираман». Бу ўринда меҳнатга раҳбарлик қилиш ҳали ўзлаштириб олинмаган меҳнат усулларини шакллантиришга қаратилади. Кўп ҳолларда тарбиячи маслаҳат беришдан, ўз - ўзини назорат қилиш, меҳнат усулларини эслатишдан фойдаланади. Катта гурухлардаги якка тартибдаги меҳнат у ёки бу меҳнат жараёнларига қизиқишининг шаклланиш кўрсатгичи бўлиб қолади. Болалар жонворларни парвариш қиладилар, ўйинчоқлар ясайдилар, бирор нарса тикадилар. Умуман ўз ташаббуслари билан ўzlари учун қизиқарли бўлган меҳнат турлари билан шуғулланадилар.

Аввало, болани ўзига-ўзи хизмат қилишга ўргатиш керак. Чунки, боланинг ишни ўзи қилишга бўлган қизиқиши аста-секин оиласда тарбияланади. Каттларнинг талаби бўйича, бола ўзининг кийим - кечакларини кияди, ювинади. Агар 2—3 ёшар болага кийиниш ва ювенишни ўргатмасдан, уни ўзига қўйиб берсангиз, у бу ишни «мустакил» бажаради: пайпогининг товонини албатта оёгининг юзига қилиб кияди, тугмасини қўшни тугма тешигига тугмалаб қўяди, ботинкаларини поймапой кияди. Юз ювишда эса, фақат ҳўл қўллари билан юзини ишқалаб, уни тозалаш бир ёқда турсин, аксинча, ифлос қилиб қўяди. Шу билан бирга бола ўз ишини бажариб бўлгандан кейин жисмонан ҳам, маънан ҳам чарчайди, афти - башараси кулгили, ўзи бесўнақай бўлади. Сабаби: болада мана шу ишларни бажариш иқтидори ва кўникмаси йўқ.

Баъзи катталар болаларни биронта ишни бажаришда бесўнақайлигини, ишни тез бажара олмаслигини кўриб, болаларига иш

топширмайдилар ёки топширган тақдирда ҳам «болага иш буюр, кетидан ўзинг югур» деган мақолга асосланиб, ишми ўzlари адo қилиб кўяқоладилар. Натижада бола кундан-кунга меҳнат қилишдан узоқлашади ёки бола қилаётган ишини охиригача етказмасдан, доимо бирорта кишининг ёрдамига таяниб, шунга ўрганиб ўсади.

Ота-оналар, тарбиячилар, оила аъзолари болалар олдига янги ва янги вазифалар қўйиб (ботинкангни кий, ҳовлининг маълум бир жойини супур ишлари сингари вазифаларни топшириб), ишни бажаришни ўргатиб, тушунтириб ва асосан ишни бажариш тартибини шошилмасдан, баъзан бир неча марта такрорлаб, кўргазиб беришлари лозим. Болани меҳнат ўргатишда катталар уни ҳурмат қиласмоғи керак. Боланииг қилган ножӯя иши устидан кулмасдан, жеркиб бермасдан, аксинча унинг меҳнатидаги кичкинагина бўлса ҳам муваффақиятни кўра билишлари керак. Шу билан бирга катталар бирорта иш қилаётганларида болаларга тез-тез мурожаат қилиб, уларнинг кучига яраша топшириқ бериб туришлари, «менга ёрдам бер»,— деб мурожаат қилишлари яхши натижа беради. Болалар ўzlарига нисбатан қилинган мана шундай мурожаатни жони-дили билан бажарадилар. Масалан, 4 ёшар бола ўзининг ўйинчоқлари турган бурчагини ўзи йиғиширига олади.

Меҳнат килиш жараёнада болани зериктириб қўймаслик учун унга давомли иш бермаслик керак. Шунинг билан бирга ҳамиша бир хил иш топширмасдан, ишнинг вақтини чегаралаб, уни хилма-хил қилиб туриш зарур. Акс холда бола ишдан безор бўлади ва иш болани зериктиради. Меҳнат инсон ҳаёти учун, унинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамиша асос бўлиб келган.

### **Ижодий ўйинлар.**

Бизга маълумки ижодий ўйинлар бу болаларнинг мустақил ижодий, ўzlари ўйлаб чиққан ўйин мажмуидир. Бунда болалар ўз таассуротлари,

борлиқ ҳаётдаги тушунчалари ва унга бўлган ўз муносабатларини акс эттирадилар. Ижодий ўйинлар қуидаги туркумларга бўлинади:

- сюжетли-ролли;
- драмалаштирилган;
- қурилиш;
- табиат материаллари билан ўйналадиган ўйинлар.

Ижодий ўйинлар ва уларга раҳбарлик. Ижодий ўйинлар бошқа тур ўйинлардан қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Ўйин мазмунининг ўзига хослиги.
2. Ролларнинг мавжудлиги.
3. Хаёлий вазиятнинг мавжудлиги.

Ўйин мазмунининг ўзига хослиги унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, катталарнинг ижтимоий ҳаёти ўзининг ранг-баранг кўринишлари билан сюжетли-ролли ўйинларнинг мазмуни бўлиб хизмат қилас экан. Улар болалар катталар ижтимоий ҳаётининг намунасини оладиган фаолият тури ўйин эканлигини асослаб бердилар.

Ижодий ўйинлар сюжетлари ва мазмунининг ранг-баранглиги, уларни тавсифлаш заруратини келтириб чиқаради. Сюжет ўйин фаолияти тизимида асосий компонент сифатида ўз ичига персонажни, ҳаётий вазиятни, ҳаракат ва персонажлар муносабатини олади. Ижодий ўйинларда хаёлий вазиятнинг мавжуд бўлиши боланинг тафаккурини ўстириб сюжет ва роллар ўйин мазмунини такомиллаштиради. Ижодий сюжетли-ролли ўйинларнинг ўзига хос сабаблари мавжуддир. Бунинг энг асосий сабаби – болаларнинг катталар билан биргаликда ижтимоий ҳаёт кечиришга интилишидир. Бу сабаблар боланинг ёшига қараб, ўйин мазмунига қараб ўзгариб боради. Кичик ёшдаги болаларда асосий сабаб буюмлар билан бажариладиган қизиқарли ҳаракатлар бўлса, бола катта бўлган сари ўйиндаги катталар ҳаракатларини ва муносабатларини қайта акс эттириш

асосий сабаб бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, ўйинларни сюжети, мазмунига кўра З гурухга бўлиш мумкин.

- 1.Маишӣ ўйинлар (оила, болалар боғчаси ва бошқа воқеликни акс эттирадиган).
- 2.Меҳнат мавзудаги ўйинлар (оила ва катталар меҳнатида иштирок этиш, ўз-ўзига хизмат ва бошқ.).
- 3.Ижтимоий мавзудаги ўйинлар.

Болалар ролларни танлаб ўйнайдилар. Сюжетли-ролли ўйинларда хатти-харакатларни, қоидаларни эгаллаш асосида, ролда мужассамлаштирилган ахлоқий қоидалар ҳам ўзлаштирилади. Ўйинда кишилар турмушига, ишларига, жамиятдаги хулқ-атвор меъёр ва қоидаларига ижобий муносабат шакллантирилади. Худди шу жараёнда ўйин муомала маданиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам юзага келади. Ақлий тарбиянинг асосий воситаларидан бири бу сюжетли ўйин хисобланиб, унда бола атроф-муҳитдаги воеа ва ҳодисаларни акс эттириб, хаёлан уларни қайта тиклайди. ўйиннинг хаёлий вазияти боланинг ақлий фаолиятининг ривожланишига доимо таъсир кўрсатади.

Ўйиннинг санъатга яқинлиги сюжетли-ролли ўйинлардан эстетик тарбияда фойдаланиш имконини яратади. Бола ўйинидаги ижодкорлик билан боғлиқ бўлган туйғулар эстетик туйғуларга яқин туради. Ўйинда боланинг катта ҳаракат тажрибаси шаклланади. Турли ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қулай шароит яратилади, бола ролга киради, ўз ролига оид хатти-харакатларни амалга ошириш учун тасвирлаётган ролларнинг ўзига хос хусусиятларини онгли равишда ифодалайди.

Икки ёшдаги болалар ҳаётида сюжетли ўйинчоқлар билан жуда оддий ўйинлар ўтказилади. Болалар бу ўйинчоқларни қўлда ушлаб юрадилар, сиқиб кўрадилар, ерга ташлаб кўрадилар, ўйинчоқларни ғилдиратадилар, ўйинчоқда нима тасвирланганлигига эътибор

бермайдилар. Бу ёшда кундалик ҳаётда теварак – атрофдаги катта кишилар ва болалар ҳаракатини кузатиб боришни, бу ҳаракатларни ўз ўйинларида акс эттиришни ўргатиш лозим: қўғирчоқни оқатлантириш, уйуга ётқизиш ва бошк.

Мактабгача ёшда буюмли ўйин бир неча босқичда амалга оширилади:

**1 босқичда** болалар ўйинчоқлар билан катталар ҳаракатларига тақлид қиласидилар.

**2 босқичда** ўзлаштирган ҳаракатларни мустақил бажара бошлайдилар, сўнгра бу ҳаракатларни бошқа буюмларга кўчирадилар.

**3 босқичда** тасвирий ўйин вужудга келади, унинг мазмунини шартли куроллар билан бажариладиган ҳаракатлар ташкил қиласиди.

Бола кундалик ҳаётда кузатган буюмлар билан бажариладиган ҳаракатларга тақлид қиласиди (газета ўйиди, ер чопади, кир ювади), буларнинг ҳаммаси сюжетли – ролли ўйин учун шароит яратади.

**Қуриш–ясаш ўйинлари** - болада буюм образини фазовий ифодада тасвирлашни талаб қиласиди. Ўйин жараёнида бирор бир материал ёки буюмнинг хажми, катта-кичиклиги, бир-бирига мослиги, фазовий мўлжаллай олиш кўникмаси шаклланади, ривожланади. Қуриш–ясаш ўйинлари болаларда кузатувчанликни шакллантиради, буюмларни фазовий жойлаштира олишга ўргатади.

Бу ўйинларни ўтказиш қуидаги босқичларда ўтказилади.

**1-босқич.** Болаларнинг қуриш–ясаш қобилияттлари кўникмамалакаларини, қизиқишлиари даражасини ўрганиш. Қурилиш ўйинларига раҳбарлик мақсадини аниқлаш.

**2 – босқич.** Қурилиш иншоот ва биноларига саёҳат, экскурсия, мақсадли сайрлар ташкил этиш. Турли суратлар, расмлар, бадиий асарлар, сухбат орқали катта шаҳар ва пойтахтдаги бинолар, қурувчилар меҳнати билан яқиндан таништириш.

**3– босқич.** 1. Болалар ўйинлари учун шароит яратиш. Қурилиш материалларини етарли тарзда тайёрлаш (гурух ва якка-якка шуғулланишлари учун).

2. Қурилиш материаллари турли ҳажм ва катта-кичикликда бўлиши мумкин.

3. Гурӯхда ва ер майдончасида ғурилиш материаллари ҳамда иш куролларнинг сағланиши.

4. Қурилиш материалларининг тўғри ва қулай сақланиши.

5. Қурилиш бурчагидаги ўйинчоқлар ва материалларнинг жойланиши.

6. Ташландик материаллардан кўлбола ўйинчоқларнинг мавжудлиги.

7. Ўлкамиз ва унинг пойтахти, турли транспортлар акс эттирилган альбомлар.

8. Бино ва иншоотларнинг қурилишини болалар билан кузатиш.

**4–босгиč.** Болаларни қуриш-ясашга ўргатиш ва малакаларини шакллантириш. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- Катталарнинг тушунтириб, кўрсатиб бериши.
- Катталарнинг бирор-бир қурилишни қуриб кўрсатиши, ҳар бир қисмни таҳлил қилиб бериши.
- Намуна сифатида тайёр қурилиш иншоотини кўрсатиши.
- Қурилишнинг айrim мухим қисмлари ва уларнинг хусусиятлари билан таништириш.
- Тугалланмаган қурилиш объектини давом эттиришга жалб этиш.
- Берилган мавзу асосида биноларни мустақил қуриш-ясашлари.
- Болаларнинг ижодий-ихтиёрий қуриш-ясашлари.
- Тайёр қурилишни таҳлил қилиш.

**5–босқич.** Болаларнинг ижодий ғурилиш ўйинларини ташкил этиш. Ўйин жараёнида ўзаро муносабатларда ахлоқий сифатларни, ўйнай олиш

маданиятини шакллантириш, шунингдек, ёз ойида ғум, сув, ғиш ойида эса қор билан ўйнашга раҳбарлик қилиши.

**Қум билан ўйнаш.** Қум болаларнинг ўйнашлари учун энг қулай ўйин воситаси бўлиб хисобланади. Қумлар махсус яшикларда нам ҳолатда сағланади. Қумни сағлашга гигиеник талаблар қўйилади: а) қум турли хил тош, шишалардан тозаланган бўлиши; б) қум фақат намроқ ҳолда сақланиши; в) болаларнинг саломатлигига хавф солмаслиги керак.

Кичик ёшдаги болаларни қум билан ўйнашлари учун байроғчалар, ўйинчоқлар тайёрлаб қўйилиши керак.

**Сув билан ўйналадиган ўйинлар.** Бу ўйинлар билан кичик ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Сувда қўғирчоқни чўмилтириш, ўйинчоқлар билан сувда ўйнаш, катта ёшдаги болалар эса сувда чўмилишлари мумкин.

**Қор билан ўйналадиган ўйинлар** болаларда қувноқ кайфиятни уйқотади. Бунинг учун болаларга ёғоч белкуракча, қорни ташиш учун яшикча ортилган чана бўлиши шарт. Катталар ёрдамида қор уюмларидан турли шакллар, қорбобо, қорқиз, ҳайвонларнинг қиёфасини ясайдилар.

### **Табиатни кузатиш.**

Хилма-хил табиат ходисаси оламида болаларнинг бевосита кузатишлари учун энг тушунарлиги ўсимлик ва уй ҳайвонлариридир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўсимлик ва ҳайвонлар билан танишириш жараёнида болаларда табиатга нисбатан муҳаббат тарбияланади, ҳайвонларни парваришлишга, ўсимликларни ўстиришга нисбатан истаклари тарбияланади.

Тарбиячи томонидан кузатишнинг турли хил усууллари қўлланилади. Масалан: боғчаларда турли хил ўсимлик ва жониворлар, жонсиз табиат объектлари, турли хил объектларни аниқлаш учун кузатишни ўрганиш усулидан фойдаланилади. Бу усул ўз навбатида болаларда табиат тўғрисида ёрқин, жонли тасаввурларнинг тўпланишига сабаб бўлади.

Болада табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, ўсимлик ва жониворларнинг ўсиши ва ривожланиши тўғрисидаги таассуротларининг шаклланишига ёрдам берувчи кузатишлардан ҳам фойдаланилади.

Кузатиш давомида бутун-бутун ҳодисаларни алоҳида белгилари ёрдамида аниқлаш зарур. Масалан, рангига қараб мева пишганми ёки ҳомми: уй ўсимликлари рангининг ўзгариши: ерга тушган уруғга қараб, қайси дарахт меваси эканлигини аниқлаш. Ёз ва куз фаслларида болаларга мевали дарахтларнинг меваларини кўрсатиш, улар қиши фаслида тол, терак, чинор, акация, сафора каби дарахтларнинг барг ва мевалари тушиб кетганлигига қарамасдан, мевага қараб қайси дарахтта мансуб эканлигини аниқлай оладилар.

Кузатишларнинг ҳар бир тури тарбиячи томонидан ўзига хос тарзда бошқарилиб турилади. Турли хилдаги кузатишларни олиб бориш учун куйидаги талабларни бажариш керак.

1.Кузатишнинг мақсад ва вазифаси аниқ бўлиши керак. Ҳар бир ҳолат учун белгиланган вазифани билиш, ўрганиш характеристига эга бўлиши, болани ўйлашга, эслашга, олдига қўйилган саволга жавоб излашга ундаши лозим.

2.Ҳар бир кузатиш тури учун тарбиячи томонидан унчалик катта бўлмаган билим даражаси танлаб олинади. Табиат обьектлари тўғрисидаги тасаввурлар табиат обьектлари билан тез-тез учрашиб туриш натижасида бола онгида аста-секинлик билан шаклланади. Ҳар бир алоҳида олинган кузатиш болани янги билим олишга, бор тасаввурларни эса янада чуқурлаштиришга ва кенгайтиришга имконият яратади.

3.Кузатишни ташкил қилишда ўзаро алоқаларни таъминлайдиган тартиблаштиришдан фойдаланишни кўзда тутиш лозим. Натижада, болаларда уларни ўраб турган табиат тўғрисида чуқур ва тўлиқ тасаввур

шаклланади.

4.Кузатиш болаларнинг онги ва сўзлашиш фаоллигини оширишга ёрдам бериши керак. Ақлий фаолликни ошириш хилма-хил йўллар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, болалар олдига аник ва ечими қулай масала кўйиш, кузатиш бўйича бола тўплаган тажрибасидан фойдаланиш, кузатиш натижаларини гапириб бериш, бир объектни бошқа бир объект билан таққослаш, турли хил даражадаги мураккаб саволларни ўргага ташлаш ва ҳ.к. Кўпгина мунозарали, муаммоли ва экологик мазмунга эга бўлган саволлар билан боланинг онги, тафаккурини қўзғатиш керак.

5.Кузатишлар болаларни табиатга бўлган қизиқишини янада кучайтириши, табиатда кечадиган ўзаро боғлиқлик тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишга ундейди.

6.Кузатиш жараёнида тўпланган билим доимо мустаҳкамланиб, тўлдирилиб, янада чуқурлаштирилиб бориши ва бошқа усул, иш шакллари ёрдамида тартиблаштирилиши, умумлаштирилиши керак. Бундай шаклларга тарбиячининг ҳикоялари, табиат тўғрисида бадиий китобларни ўқиши, расм чизиш, ҳар хил шаклларни ясаш, табиат календарини олиб бориш. кўрган, кузатганлар тўғрисида давра сухбатлар ўтказиш киради.

Хар бир алоҳида олиб борилган кузатишлар натижасида болаларда табиагнинг у ёки бу объект тўғрисида элементар тасавурларнинг шаклланиши, табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш хиссини пайдо қиласи

Маълум бир кузатиш жараёнини олиб боришда тарбиячи ушбу кузатишни услубиёт томонидан тўғри ташкил қилиши керак. Кузатиш олиб борилаётган даврда тинч вазиятни сақлаш, қафасдаги қушни болалар учун кўринадиган жойга осиш, аквариумни қулай жойга қўйиш, улар тўғрисида гапириб берилаётган вақтда ушбу предметлар сўзловчи учун ҳам кузатувчи учун ҳам қулай вазиятда жойлашган бўлиши шарт.

Шунингдек, ўз навбатида болаларда олиб борилаётган кузатишга нисбатан қизиқиши мавжуд бўлиши керак. Ушбу қизиқишини уйғота билиш йўллари хилма-хилдир. Масалан, аквариумдаги балиқларнинг ҳаракатини кузатишдан олдин, тарбиячи болаларга аквариумни ювиш, уни балиқ солишга тайёрлаш ишида қатнашиш, жонли қуённи кўрсатишдан аввал қуёнга бериладиган сабзавотларни тозалаш, тўғрашни таклиф қиласди. Бундан ташқари гапириб бермоқчи бўлган ҳайвон тиригини кўрсатиш, унинг тўғрисида топишмок, мақоллар айтиб бериш орқали болалардаги қизиқиши кучайтирилади.

Кузатиш олиб бориш жараёнида тарбиячи томонидан болалар дунёқарашини кенгайтириб бориш, болаларни билиш, ўрганиш асосан, З босқичдан иборатдир.

**Биринчи босқичда** тарбияланувчилар гапирилаётган объект тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлишлари керак. Болаларга кузатилаётган объектни тўлик кўриб чиқиш учун вақт берилади. Кузатиш давомида тарбиячи болаларга объектни яхшироқ кузатиш учун унинг ташки белгиларини ажратиш, бир-бири билан таққослаш, ўхшаш ва фарқ қилувчи белгиларини топиш, ўзининг шу объектга нисбатан муносабатини ифодаловчи саволлар билан мурожаат қиласди.

**Иккинчи босқичда** тарбиячи болаларнинг ёшига қараб қабул қилиш имконияти турлича эканлигидан келиб чиқсан ҳолда, объект белгилари, сифати, ҳоссаларини аниқловчи, маълум бир жониворнинг ҳулқи, ҳаёт кечириш тарзи, ўсимликлар ҳолати ва бошқа ҳолатларни ўрганиш ва кузатиш билан боғлик бўлган усуслардан фойдаланади: бир организмнинг иккинчи организм билан ўзаро алоқасини (зарпечақ дарахт танасига чирмашди, лайлак тумшуғида қурбақани ушлаб турибди, дарахт шохидагуңғиз ўтирибди) аниқлайди.

Тарбиячи болаларга турли хил саволлар беради, топишмоқлар айтади, олдиларида турган предметни яхшироқ кузатишни таклиф қиласы, уларни бир-бири билан таққослашга ундаиди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ташқи хусусиятлари, бир организм иккинчи организм қисобига яшашини очиб берувчи, меҳнат билан боғлиқ ҳаракатлар, ўйинлар, шеълар, бадиий асарлардан парчалар ўқищдан кенг фойдаланади. Бу ҳаракатлар ўз навбатида болаларда кузатилаёттан объектга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Кузатиш жараёнида ҳайвонлар ҳаракатини кузатиш орқали болалар шароитга яраша ҳайвонларнинг хулқлари қам ўзгариб бориши билан танишадилар. Ўсимликларни кузатиш, ўсимликнинг энг ажralиб турувчи қисмини (гули, барг, шох) кўздан кечиришдан бошланади. Ундан сўнг навбат билан ташқи тузилиши (баландлиги, шакли, устки қисми) кўздан кечирилади. Шундай қилиб, тарбиячи болаларни кузатишни системали равишда олиб боришга ўргатади.

**Учинчи босқичда** олиб борилган кузатишларга якун ясалади. Тўпланган натижа, билимлар умумлаштирилади. Агар кузатиш ишлари системали равишда олиб борилса, болаларда билим олиш, ўрганиш ва одатларнинг умумий тизими шаклланади ва бу ўз навбатида болаларни табиат объектларига, ўзларини ўраб турган оламга яхши муносабатда бўлишга ундаиди.

Кузатишлар якка тартибда ёки 3-6 кишидан иборат бўлган кичик групкалар билан, баъзида бутун груп билан ўтказилади. Кузатишга бундай ёндошиш тарбиячи ўз олдига қўйган мақсадга боғлиқдир.

Кузатиш атроф олам предметлари ва ходисаларини максадга мувофик режали идрок этишдир. Кузатиш мураккаб билим фаолияти булиб унда идрок, тафаккур ва нутк иштирок этади. Баркарор диккат талаб этилади. Кузатилаётган ходисани тушунтиришда боланинг тажрибаси, билими ва малакалри мухим ахамиятга эга бўлади.

Табиатни болалар билан биргаликдла кузатишни ташкил этар экан, тарбияни бир катор вазифаларни хал этади: болаларда табиат ҳақида билимни шакллантиради. Кузатишни ўргатади, кузатувчанликни ўстиради, эстетик жихатдан тарбиялади.

Предмет ва ходисаларнинг хусусияти ҳамда сифатлари ҳақидаги билимни шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган қисқа муддатли кузатувлар жараёнида болалар қисмларнинг шакли, ранги, каттлиги, тузилиши, фазовий жойлашувини, сатхининг ҳаракатини фарқлашни, ҳайвонлар билан танишганда эса ҳаракат характери улар чиқарадиган товушларни ҳам ўрганадилар ва хокозо.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жағариилиши учун кузатишнинг анча мураккаб тури узоқ муддатли кузатишлардан фойдаланилади. Бунда болаларга объектнинг кузатилаётган ҳолатини илгариги билан киёслашга туғри келади.

Бу кузатишлар давомида болаларнинг зеҳни ва кузатувчанлиги ўсади. Анализ килиш, қиёслаш, хулоса чиқариш процесси такомиллашади.

Кузатишлар тарбиячи томонидан болаларни ўсимлик ва ҳайвонлар билан об-хаво билан катталарнинг табиатдаги меҳнати билан таништиришда ташкил этилади.

Кузатишлар табиат ва табиат бурчагида олиб борилади.

### **Тарқатма материаллардан фойдаланиб кузатиш:**

Бу кузатишлар ўрта гурӯхдан бошлаб ўтказилади. Бундай кузатишни ташкил этиш бир объектни кузатишдан кўра анча мураккаброқдир. Тарқатма материал сифатида ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари: барги, меваси, ва уруғи, шохлари, сабзавот ва мевалардан фойдаланиш мумкин.

**Расмларни кўриш:** расмлар табиат ходисаларини батафсилрок кўриш, дикқатни узоқ муддат шуларга қаратиш имконини беради, буни эса кўпинча табиатни бевосита кузатишда табиатнинг

динамиклиги ҳамда ўзгарувчанлиги туфайли амалга оширишнинг имкони бўлмайди. Бундан ташқари кўпгина ходисаларни бевосита кузатиш мумкин эмас. Масалан, ёввойи ҳайвонлар, жанубий ва шимолий ўлкаларнинг ҳайвонлари билан болаларни асосан расмлар орқали таништириш мумкин.

Болаларни табиат билан таништиришда дидактик сюжетли предметли шунингдек, бадиий расмлардан фойдаланилади.

Дидактик сюжетли ва предметли расмлар – болаларни ўқитишида кургазмали восита сифатида маҳсус яратилгандир «Йилнинг турт фасли», «Уй ҳайвонлари», «Ёввойи ҳайвонлар», «Ўтсимон ўсимликлар» ва шу каби расмлар серияси шулар жумласидандир. Булардан турли максадларда фойдаланилади. Бадиий расмларни факат мактабгача катта ёшдаги болалар билан кўриш максадга мувофикдир.

Табиатнинг оддий ходиса ва предметлари ҳақида болаларнинг тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган кузатишлар билан бир қаторда хилма хил уйинлардан кенг фойдаланилади. Бу уйинларда болалар сузувчанлик тажрибасини орттирадилар, эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштирадилар.

Куйида мактабгача таълим муассасаларининг катта гурухларида эрталабки ва кечки соатларни режалаштириш намунасини келтирамиз:

Ҳафта кунлари	Эрталабки соат	Кечки соат

Душанба	<p>1.Болаларни қабул қилиш: (Ота-оналар билан сұхбат: Боланинг соғлиғи тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p> <p>2.Болаларни ўз-ўзига хизмат күрсатишига ўргатиш ва гурух навбитчисини тайинлаш(табиат бурчагига, овқатланиш столига, машғулотларга);</p> <p>3.Болаларни ижодий ўйинга жалб этиш; гурухга янги келган болалар Наргиза Шерзодга болалар билан ўйинга киришиб кетишлиариғи ёрдам беріш ва якка тартибда ишлаш: Жамила ва Фарход билан ўтилған машғулотни мустаҳкамлаш (н ва р товуши машқини тақрорлаш);</p> <p>4.Дараҳт баргларини кузатиши.</p>	<p>1.Болаларни ижодий ўйинга ларга жалб этиш, Сайдаги сюжетли-ролли ўйинларга қўшилмаган болаларга ёрдам беріш, ўйин ташкил этиш, “Қандай ўйинни ўйнамоқчисан?, “Ким билан ўйнашни ҳоҳлайсан?” Комила ва Сардор билан ўйинларнинг қандай бўлганлиги ҳақида сұхбатлашиш;</p> <p>2.Ўйин майдончасини айвончани тартибга келтириш;</p> <p>3. (Ота-оналар билан сұхбат: Кун тартибида давомида боланинг соғлиғи, тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p>
Сешанба	<p>1.Болаларни қабул қилиш: (Ота-оналар билан сұхбат: Боланинг соғлиғи тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p> <p>2.Болаларни ўз-ўзига хизмат күрсатишига ўргатиш ва гурух навбитчисини тайинлаш(табиат бурчагига, овқатланиш столига, машғулотларга);</p> <p>3.Болаларни ижодий ўйинга жалб этиш; Математика машғулотларини яхши ўзлаштира олмаган Нафиса ва Одина билан якка тартибда иш олиб бориш;</p> <p>4.Полиз экинларини кузатиши;</p>	<p>1.Болаларни ижодий ўйинга ларга жалб этиш, Нодир ва Камолни нутқ ўстириш машғулотида олган билимини мустаҳкамлаш;</p> <p>2.Ховлини барглардан тозалаш;</p> <p>3.Ота-оналар билан сұхбат: (Боланинг соғлиғи, тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар ва бошқалар);</p>

<b>Чоршанба</b>	<p>1.Болаларни қабул қилиш: (Ота-оналар билан сұхбат: Боланинг соғлиғи тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p> <p>2.Болаларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш Даврон ва Каримда мустақил малакаларни тарбиялаш ва гурух навбитчисини тайинлаш (табиат бурчагига, овқатланиш столига, машғулотларга);</p> <p>3. Болаларни ижодий ўйинга жалб этиш; Карим ва Нодира билан нутқини ривожлантириш устида ишлаш;</p> <p>4.Боғбон меҳнатини кузатиш.</p>	<p>1.Болаларни ижодий ўйинга ларга жалб этиш, Азиз ва Нигора билан якка тартибда иш олиб бориш;</p> <p>2.Боғбонга ҳовлини супуришига ёрдам бериш;</p> <p>3.Ота-оналар билан сұхбат: (Боланинг соғлиғи, тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар ва бошқалар);</p>
<b>Пайшанба</b>	<p>1.Болаларни қабул қилиш: (Ота-оналар билан сұхбат: Боланинг соғлиғи тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p> <p>2.Болаларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш Назира ва Шерзодда мустақил малакаларни тарбиялаш ва гурух навбитчисини тайинлаш(табиат бурчагига, овқатланиш столига, машғулотларга);</p> <p>3.Болаларни ижодий ўйинга жалб этиш; Нафиса ва Аброрни элементар математикадан олган билимларини мустаҳкамлаш;</p> <p>4.Полиз экинларини кузатиш ва сабзавотларни ранг-баранглиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан танишиш;</p>	<p>1.Болаларни ижодий ўйинга ларга жалб этиш, Шахноза ва Мухаммадзоҳид билан ўтилган машғулони мустаҳкамлаш;</p> <p>2.Гурух майдончасини тартибга келтириш; Муассасага янги келган Наргиза ва Шерзодга кийим бошларини кийишларига ёрдам бериш;</p> <p>3.Ота-оналар билан сұхбат: (Боланинг соғлиғи, тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар ва бошқалар);</p>

Жұма	<p>1.Болаларни қабул қилиш: (Ота-оналар билан сұхбат: Боланинг соғлиғи тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар);</p> <p>2.Болаларни ўз-ўзига хизмат күрсатишига ўргатиши ва гурұх навбитчисини тайинлаш; Богбонга гурұх ер майдонидаги ўсимликлар тагини юмшатишига ёрдам бериш (табиат бурчагига, овқатланиш столига, машғулотларга);</p> <p>3.Болаларни ижодий ўйинга жалб этиш; Донёр ва Зокирни нутқини ривожлантириш;</p> <p>4.Қуёнларни кузатиши ва овқатлантириш.</p>	<p>1.Болаларни ижодий ўйинга ларга жалб этиш, Наргиза ва Толибжонга шеър ёдлатиши;</p> <p>2.Аквариумни сувини янгилаш ва балиқларни овқатлантириш, Наргиза ва Шерздни пайабзалларини ипини боғлашни ўргатиши;</p> <p>3.Ота-оналар билан сұхбат: (Боланинг соғлиғи, тарбияси ва ўзлаштиришига алоқадор маслаҳатлар ва бошқалар);</p>
------	---	---

Тарбиячи кун тартиби давомида тарбиянинг самарали метод ва усулларидан фойдаланиб, болани ёш, рухий-физиологик хусусиятлари инобатта олса тарбия берішнинг самарадорлиги ошади.

Тарбиячи ҳар бир болани имкониятларини аниқлаб олиши ва болалар ўзи яшаётган жамоага муносабатига қараб бир неча гурұхларга бўлиши лозим:

1- Гурұх: Ижобий хулқли болалар бўлиб, улар тез дўстлашадилар. Уларни жамоа аъзолари хурмат қиласи. Бу тоифадаги болалар жамоанинг фаоллари бўлиб, тарбиячи жамоа муносабатларини ўрнатишида уларга суюнади.

2- Гурұх: фаол ташаббусга қўшилади, аммо бекарор бўлади.

3- Гурұх: тортинчоқ бўлиб уйинда катнашмайдилар, машғулотларда суст бўладилар. Бундай болаларга алоҳида эътибор зарур.

Тарбиячи ҳар бир гурұх болалари билан индивидуал ёндошиб, уларни бир-бiri билан ўзаро муносабатта киришиб, дўстлашишига ёрдам бериси керак.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий педагогик вазифаси – болаларни юксак маънавий-аҳлоқий руҳда тарбиялаш ва уларни мактабда ўқишига ҳар томонлама тайёрлашда ота-оналарга мунтазам равишда ёрдам кўрсатишдан иборатdir.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни ҳар томонлама, жумладан маънавий, аҳлоқий, аклий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбиялари биргаликда олиб борилиб, бола мактабга чиқарилади. Мактабгача таълим муассасаларида олган билимларини мактабда давом эттиришига шундагина қийналмайди.

